

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

2026-yil 23-iyul, payshanba

30 (9402)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

ИҚТИСОДИЁТДА ЮҚОРИ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 21 июль куни ҳудуд ва тармоқларда ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар ва йил якунигача амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йил бошидан мамлакатимиз иқтисодиёти 8,5 фоизга ўсди. Саноатда 8 фоиз, хизматларда 16,9 фоиз, қурилишда 13,8 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,7 фоиз ўсиш таъминланди. Инвестициялар ҳажми 28 миллиард долларга, экспорт 14,4 миллиард долларга етди. “Fitch” ва “Moody’s” халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимиз суверен кредит рейтингини бир поғона яхшилади.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари 40 миллионли аҳоли ҳаётини яхшилаш учун 9-10 фоизли иқтисодий ўсиш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун ҳудуд ва тармоқ раҳбарлари мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиши, ҳар бир лойиҳа ва ҳар бир корхона бўйича аниқ натижага ишлаши кераклиги кўрсатиб ўтилди. Йиғилишда ҳудуд ва тармоқ раҳбарларининг

олти ойлик режалари ижроси танқидий таҳлил қилинди. Айрим ҳудудларда ялпи ҳудудий маҳсулот, қурилиш, инвестиция, саноат ва экспорт кўрсаткичлари бўйича захиралар тўлиқ сафарбар этилмагани қайд этилди. Ойлик, чораклик ва йиллик режаларни бажармаган раҳбарларга нисбатан масъулият кучайтирилиши белгиланди. Давлатимиз раҳбари ҳар бир вазир ва

ҳокимнинг иши одамларнинг яшаш маданиятида сезилмаса, тадбиркорларнинг оғирини енгил қилмаса, ҳар қандай натижа фақат “қоғоздаги рақам” бўлиб қолишини таъкидлади. Шу боис, жойларда инфратузилма, бандлик, тадбиркорлик ва аҳоли даромадини ошириш бўйича ишлар мутлақо янги ёндашув асосида ташкил этилади. (Давоми 2-саҳифада)



Matbuot anjumani

BOSHQARUV SAMARADORLIGI QAYSI JIHATLARGA BOG'LIQ?

Kecha Rahbar kadrlarni baholash markazida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Boshqaruv samaradorligi agentligining joriy yil 1-yarim yilligidagi faoliyatini sarhisobiga bag'ishlangan matbuot anjumani tashkil etildi.

Agentlik mas'ullari, OAV vakillari ishtirok etgan anjumanda mavzu yuzasidan batafsil ma'lumot berildi. Huddudlarda natijaga asoslangan boshqaruvni joriy etish, qirqdan ortiq tuman va shaharda mavjud imkoniyatlar qayta baholangani qayd etildi. Jumladan, Samarqand viloyatining 16 ta tuman va shahri, Namangan, Sirdaryo, Surxondaryo, Buxoro, Qashqadaryo, Farg'ona, Jizzax va boshqa huddudlarda iqtisodiy salohiyat, boshqaruv jarayonlari va xizmatlar sifati chuqur tahlil qilindi. Ilk bor sun'iy intellekt yordamida Big Data va SWOT tahlillari asosida har bir tumanning iqtisodiy drayverlari aniqlanib, investitsiya loyihalari xaritasi shakllantirildi. Bu ishlar natijasida 3 ta Vazirlar Mahkamasi qarori tayyorlandi hamda 80 dan ortiq takliflar ijroga yo'naltirildi. Ayniqsa, mahallabay ishlash tizimi doirasida Xovos tumanidagi “Qahramon” hamda Norin tumanidagi “Yangi Namangan” mahallalarida yangi xizmat markazlari tashkil etildi.

Endi ushbu markazlarda aholi 980 turdagi xizmatlarni turli davlat organlariga qatnamasdan, mahalladan chiqmagan holda olish imkoniyatiga ega bo'lmoqda. Inson kapitali har qanday islohotning asosi hisoblanadi. Shuning uchun davlat xizmatchilarini baholash va rivojlantirish ishlari yangi bosqichga olib chiqilmoqda.

Ikkinchi chorak yakunlari bo'yicha 113 ta respublika tashkilotining 435 nafar rahbari va rahbar o'rinbosari, shuningdek 14 ta hudud va 208 ta tuman (shahar)ning 1 329 nafar hokim o'rinbosari samaradorlik ko'rsatkichlari asosida baholandi. Kadrlar zaxirasi ham sifat jihatidan yangilandi. Bugungi kunda agentlik tomonidan mamlaakatimiz uchun strategik ahamiyatga ega bo'lgan, yuqori salohiyatli va sifatli kadrlar zaxirasi shakllantirildi. Ushbu zaxiraga 415 nafar xorijiy oliy ta'lim muassasalari bitiruvchilari hamda Prezident maktablari bitiruvchilari, 250 nafar istiqbolli rahbar ayollar, Zulfiya mukofotining TOP-50 sovrindorlari, shuningdek, turli sohalar bo'yicha saralangan kadrlar zaxirasiga kiritilgan. Mazkur zaxira davlat boshqaruvi tizimini malakali, raqobatbardosh va zamonaviy bilimlarga ega rahbar kadrlar bilan izchil ta'minlashga xizmat qilmoqda.

Yana bir muhim raqam. 421 nafar TOP-500 universitet bitiruvchilaridan 74 nafari yuqori lavozimlarga tavsiya qilinib, lavozimi oshirildi. Bu meritokratiyaning amaliy ko'rinishidir. Ilk bor sun'iy intellektdan strategik prognozlashtirishda foydalanildi. Tahlillar shuni ko'rsatdiki, yaqin yillarda mamlaakatimizda 50 dan ortiq yangi zamonaviy mutaxassisliklar bo'yicha kasb yo'nalishlariga ehtiyoj paydo bo'ladi.

(Davomi 3-sahifada)

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШДИ, ГЕОГРАФИЯСИ КЕНГАЙДИ

Қишлоқ хўжалиги – имкониятларга бой соҳа. Бозорларимиз файзу баракаси, дастурхонимиз кўрки, ҳаётимиз фаровонлиги шу соҳа ривожига ҳам боғлиқ.

Кейинги йилларда Фарғона вилоятида аграр соҳани ислоҳ қилиш, бозор талабларига мослаштириш ва янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашга бўлган эътибор ошди. Соҳага илм-фан, янги техника ва технологиялар кириб келди. Экин майдонларини суғоришда тежамкор усуллардан фойдаланилаётгани натижасида ҳосилдорлик салмоғи ошди, сифати яхшиланди, экспорт географияси кенгайди.

Қўёшли заминда етиштирилган сархил мевалар яқин қўшни давлатлардан ташқари Европа, Хитой, АҚШ каби узоқ мамлакат бозорларига ҳам кириб борди. Фарғона вилоятига шу йил 27-28 апрель кунлари Президентимизнинг қилган амалий ташрифи давомида ҳам бу каби муҳим ҳаётини масалаларга жиддий эътибор қаратилиб, амалий натижалар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар белгилан берилди.

(Давоми 2-саҳифада)



Наманган замини яна бир бор нафосат, меҳмондўстлик ва яратувчанликнинг бетакор тимсолига айланди. 65-халқаро Гуллар фестивали юртимиздаги энг йирик маданий анжуманлардан бири сифатида халқимиз қалбига қувонч, меҳмонлар хотирасига эса унутилмас таассуротлар муҳрлади.



Гуллар ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Халқаро Гуллар фестивали бугун шунчаки гуллар кўргазмаси эмас. У ҳудуднинг иқтисодий фаоллигини кучайтирувчи, туризмни ривожлантирувчи, инвестицияларни жалб этувчи ва маданий алоқаларни мустаҳкамловчи йирик платформага айланди. Шу жиҳатдан ҳам фестиваль Наманган тараққиётининг муҳим рамзларидан бири сифатида юксак аҳамият касб этмоқда.

65-халқаро Гуллар фестивалининг муваффақиятли ўтказилиши Наманганнинг обрў-эътибори, яратувчанлик руҳи ва бунёдкорлик салоҳиятининг

яна бир амалий ифодаси бўлди. Унинг қўлга киритган натижалари нафақат бугунги ютуқ, балки келгуси тараққиёт учун мустаҳкам пойдевор, халқаро ҳамкорлик ва туризмни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган муҳим омил сифатида тарих саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллайди.

Наманган азалдан гуллар шаҳри, боғлар маскани сифатида эътироф этиб келинади. Кейинги йилларда ушбу мавқе янада мустаҳкамланиб, халқаро Гуллар фестивали нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё эътиборини тортаётган нуфузли маданий

ва туристик лойиҳага айланди. Бугун у Наманганнинг ўзига хос бренди сифатида халқаро майдонда танилмоқда.

Президентимиз раҳбарлигида туризм соҳасини ривожлантириш, ҳудудларнинг ўзига хос имкониятларини дунёга кенг тарғиб этиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида Гуллар фестивали йилдан-йилга мазмунан бойиб, қўламли кенгайиб бормоқда. Бу эса Наманганнинг иқтисодий ва маданий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)



ЎЗБЕК ОЛИМАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ЮТУҒИ ДУНЁ ЭЪТИБОРИДА

КРЕМНИЙ – ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ҚАРШИ ҚУРАШДА МУҲИМ ОМИЛ

Бугунги кунда иқлим ўзгариши қишлоқ хўжалиги олдидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳароратнинг ошиши, тупроқ шўрланиши, сув танқислиги ва экстремал об-ҳаво ҳодисалари пахта етиштириш самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ана шундай мураккаб шароитда илм-фан таклиф этаётган инновацион ечимлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

ЗОМИНДА “ШОҲРУҲ” КУТУБХОНАСИ – ЯНГИ ЗИЁ МАСКАНИ ОЧИЛДИ

Фусункор Зомин баргида, сиёсатшунос, сенатор Қудратилла Мирсагатович Рафиқов ташаббуси билан “Шоҳруҳ” кутубхонаси бунёд этилди.

Ушбу маскан маърифати ҳаётият сари ташланган жуда муҳим одим. Зомин табиати мусаффо ҳавоси билан тан дармони бўлса, ушбу зиё маскани қалбларимиз учун чинакам маънавий озуқа манбаидир.

(Давоми 2-саҳифада)



ЗОМИНДА "ШОХРУХ" КУТУБХОНАСИ – ЯНГИ ЗИЁ МАСКАНИ ОЧИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Мухтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган "Миллий китобхонлик ҳаракати" ҳозирда фақатгина қоғозлардаги қарор бўлиб қолмай, ҳар бир юртошимиз ўз ҳаётида чуқур ҳис қилаётган чинакам миллий ҳаракатга айланди. Биз гувоҳ бўлаётган ушбу хайрли ташаббус ҳам айнан мана шу эзгу ислохотларнинг, маънавий уйғонишнинг яққол амалий инъикосидир.



Юртимиз бўйлаб маърифат йўлида бирлашган фидойи инсонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Маърифатпарвар юртошларимиз ўз хонадонларини кутубхонага айлантириб, элга зиё улашаётганини ёки яна бошқа кўнгилли китобхоналаримиз шундай савобли ишларга бош бўлаётганини фахр билан тилга оламиз.

Бундай гўзал интилишлар ҳозирда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида бўй кўрсатмоқда. Эшикларини илмга ташна қалблар учун очаётган "Шохрух" кутубхонаси ушбу саъй-ҳаракатлар ичида алоҳида нуфузга ва салмоққа эга.

Ушбу маскан 50 минг нусхалик бой китоб фондиди ўз ичига олган бўлиб, айна пайтда юртимиздаги энг йирик шахсий кутубхона мақомида турибди. Бундай улкан адабий хазинани жамлаб, уни халқ хизматига, униб-ўсиб келаётган ёш авлод ихтиёрига топшириш юксак маърифатпарварлик намунаси.

Биз, Миллий кутубхона жамоаси бундай эзгу қадамларда ҳар доим сизларга елкадош бўлишга тайёرمиз ва юртимизда мана шундай кутубхоналар кўпайишига чин дилдан тилакдошимиз.

Ушбу зиё кўргонини бунёд этиш ташаббуси билан чиққан, хайрли ишга бош-қош бўлган Қудратилла Мирсағатовичга самимий табрик ва чексиз ташаккуримизни изҳор этамиз. Ушбу муқаддас маскан зоминлик ёшларнинг энг севимли, энг гавжум гўшасига айлансин. Қадамлар кутлуг, янги зиё маскани муқорар бўлсин!

Умида ТЕШАБАЕВА

➔ Эълон

"Maxam-Chirchiq" aksiyadorlik jamiyati vakolatli omborlar tashkil qilish bo'yicha tanlov e'lon qiladi

"Maxam-Chirchiq" aksiyadorlik jamiyatida ishlab chiqarilayotgan mineral o'g'itlar va boshqa mahsulotlarni vaqtinchalik saqlash bo'yicha xizmat ko'rsatish to'g'risidagi shartnomalarni tuzishda tadbirkorlik subyektlari va boshqa talabgor korxonalar o'rtasida teng raqobatbardoshlik jarayonining xolis va shaffof o'tkazilishini ta'minlash maqsadida, JIZZAX viloyati hududida korxona tomonidan ishlab chiqarilgan mineral o'g'itlarni saqlashga mo'ljallangan vakolatli omborlarni tashkil etish tanlov asosida o'tkazilishini e'lon qiladi.

Mineral o'g'itlarni saqlash uchun texnik va xavfsizlik talablariga to'la javob beradigan vakolatli omborlarni hamda uni tashkil etuvchi munosib talabgorlarni tanlab olish tanlov asosida, maxsus tartibga asosan amalga oshiriladi va texnik topshiriqda belgilangan shartlarga asosan tanlab olinadi.

Tanlovda O'zbekiston Respublikasining qonun hujjatlariga muvofiq tashkil etilgan, sog'lom moliyaviy faoliyatga ega bo'lgan, o'z mulkida, xo'jalik yuritishda yoki operativ boshqaruvida alohida mol-mulkka ega bo'lgan hamda o'z majburiyatlari yuzasidan ushbu mol-mulk bilan javob beradigan, mustaqil balansiga yoki smetasiga ega bo'lgan tashkilotlar qatnasha oladi.

Tanlovda ishtirok etish uchun tanlov takliflari muhrlangan konvertida 2026-yil 3-avgust soat 18-00 ga qadar qabul qilinadi.

Vakolatli ombor tanlovda ishtirok etish uchun zarur hujjatlar va qo'yiladigan talablar haqidagi to'liq ma'lumotlar korxonaning veb-saytiga joylashtirilgan. (www.maxam-chirchiq.uz)

Ma'lumot olish uchun pochta manzili:
Toshkent viloyati, Chirchiq shahri,
Toshkent ko'chasi 2-uy.
Telefon: (99) 229-28-22, 851-10-08
E-mail: birga@maxam-chirchiq.uz

Давлатимиз раҳбари глобал иқтисодиётдаги ноаниқликлар қанча давом этишини ҳеч ким олдиндан айта олмастлигини қайд этди

ИҚТИСОДИЁТДА ЮҚОРИ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Йиғилишда "маҳалла еттилиги" фаолиятини янгича ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада "Долзарб 40 кунлик" эълон қилиниб, 2 мингта энг оғир маҳаллада ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бошланди. Ҳокимлар ушбу маҳаллаларда электр, газ, йўл ва сув масалаларини ўз вақтида ҳал қилишга шахсан жавобгар бўлади.

Бандлик тизими эҳтиёжманд аҳолини ўқитиш, ишга жойлаштириш ва даромадини ошириш бўйича ҳудудма-ҳудуд ишлайди. Банклар ва маҳалла уюшмалари фаолияти ҳам қайта кўриб чиқилиб, кейинги уч ой улар учун амалий аттестация даври бўлиши белгиланди. Маҳаллаларда ободлик, озодалик ва яшаш маданиятини юксалтириш бўйича ҳам аниқ вазифалар қўйилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Ҳозир 51 та вазирлик ва идорада 322 та йўналишда молиявий жарима қўллаш ваколати борлиги, 2024-2026 йилларда қарийб 3 триллион сўмлик жарима қўлланилгани қайд этилди. Президентимиз назорат қилувчи идоралар тадбиркорга аввал имконият бериши ва тўғри йўл кўрсатишни ўрганиши кераклигини таъкидлади.

Ташқи бозорларда рақобат кучайиб бораётган бир пайтда экспортчилар учун тўлов, йиғим ва ортиқча харажатларни камайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Барча вазирлик ва идораларга тизимдаги бюрократия, жарима, тўлов ва йиғимларни қисқартириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш бўйича таклифлар киритиш топширилди.

Саноат ва экспорт кўрсаткичлари ҳам танқидий кўриб чиқилди. Айрим туман ва шаҳарларда саноат ўсиши суръати пасайгани, экспорт бўйича қутилган ўзгариш бўлмагани қайд этилди. Бош вазирга натижа кўрсатмаган ҳокимлар фаолиятини кўриб чиқиш, тўққиз ой якунига қадар ўзгариш бўлмаса, масъул раҳбарларга нисбатан қатъий чора кўриш топширилди.

Стратегик корхоналар харажатлари таҳлида айрим йирик корхоналарда маҳсулот таннархи ошгани кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, энергетика тармоқларида йўқотишлар юқорилиги, электр энергияси ва газ тақсимида самарадорликни ошириш зарурлиги таъкидланди. Йирик компанияларнинг бозор қийматини ошириш, IPO жараёнларига тайёрлаш ва ташқи инвесторлар учун жозибадорлигини кучайтириш вазифаси қўйилди.

Солиқ тушумлари йил бошидан 27 фоизга кўпайиб, 130 триллион сўмдан ошган бўлса-да, қўшимча тушум бўйича йиллик режа етарли даражада бажарилмаётгани танқид қилинди.

Ишлаб чиқаришни тиклаш ва хусусийлаштириш бўйича ҳам муҳим вазифалар белгиланди. Ҳозир айрим тўқимачилик корхоналари ишламай тургани оқибатида 5 триллион сўмлик маҳсулот ва 400 миллион долларлик экспорт имконияти бой берилмаётгани айтилди. Йил бошидан 57 та тармоқ ва 76 та ҳудудий корхона ишлаб чиқаришни 11 триллион сўмга камайтиргани ҳам танқид қилинди.

Мутасаддиларга ишламай турган корхоналарни бирма-бир таҳлил қилиб, улар фаолиятини тиклаш топширилди. Шунингдек, янги хусусийлаштириш дастури доирасида 100 триллион сўмлик кўчмас мулк, ер майдонлари ва давлат улушларини савдога чиқариш, давлат активларини олган тадбиркорлар учун тўлов шартларини енгиллаштириш белгиланди.

Сўнгги уч йилда 11 миллиард долларлик 509 та экспортбоп қувват ишга туширилган бўлса-да, уларнинг 208 таси ҳали экспортга чиқмаган. Агар ушбу корхоналар маҳсулотининг камида 30-40 фоизи ташқи бозорларга йўналтирилса, қўшимча 1,5-2 миллиард доллар валюта тушуми таъминланиши мумкин.

47 та махсус иқтисодий зонанинг 29 тасида йил бошидан буён умуман экспорт бўлмагани ҳам танқид қилинди. Мутасаддиларга "тезкор бригадалар" ташкил этиб, экспортга чиқмаган корхоналар ва махсус иқтисодий зоналарда сертификат, айланма маблағ, бозор ва логистика билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал

қилиш топширилди.

Миллий брендларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам вазифалар белгиланди. Сўнгги икки йилда бу йўналишда 15,5 миллиард сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилган. Лекин ўз брендини рўйхатдан ўтказган маҳаллий корхоналарнинг учдан бири ҳали экспортга чиқмаган. Шу боис, маҳаллий брендларни ташқи бозорларга олиб чиқиш ва уларни демпинг ҳамда контрафакт маҳсулотлардан ҳимоя қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

Ташқи савдо юklarининг 70 фоизи темир йўл орқали ташилиши, бироқ бу йўналишда тадбиркорлардан эътирозлар кўплиги қайд этилди. Юк вагонларининг етишмаслиги, айрим темир йўл линияларида юклама юқорилиги сабабли логистикада қийинчиликлар юзага келмоқда. Мутасаддиларга қўшимча вагонларни жалб қилиш, темир йўл инфратузилмаси учун Жаҳон банкидан 200 миллион доллар маблағ жалб этиш бўйича келишувга эришиш топширилди.

Олий даражадаги таширфлар доирасида эришилган келишувлар ижроси ҳам кўриб чиқилди. Сўнгги йилларда 52 та ташриф давомида 213 миллиард долларлик 1 минг 617 та инвестиция лойиҳаси бўйича келишувларга эришилган. Энди ушбу "йўл хариталари" ижроси Ҳисоб палатаси ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қатъий назорат қилинади.

Бош вазирга ҳар ҳафта тармоқ раҳбарлари, ҳокимлар ва элчилар билан бирга лойиҳалар ижросини давлатлар кесимида муҳокама қилиш топширилди. Президент Администрацияси олдинги иқтисодий дипломатия, инвестиция ва экспорт бўйича дипломатик ваколатхоналар фаолиятини қайта кўриб чиқиш, ўз вазифасини бажара олмаётган раҳбарлар ўрнига ёш ва замонавий фикрлайдиган кадрларни тавсия этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда инфляцияни жилолаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Вилоят ҳокимлари январь-июнь ойларида инфляцияни 3 фоиздан оширмастиклини мақсад қилган бўлса-да,

аксарият ҳудудларда бу вазифа бажарилмагани қайд этилди. Гўшт нархи ошгани муносабати билан импорт гўштни самолётда ташиш харажатларини қоплаш учун 300 миллиард сўм ажратилгани айтилди.

Қишлоқ ҳўжалигини рўйхатга олиш натижалари чорвачиликдаги ҳақиқий ҳолатни кўрсатиб бергани таъкидланди. Чорвачилик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча маблағлар йўналтирилади, йил якунигача четдан 100 минг бош қорамол ва 150 минг бош қўй-эчки олиб келиш вазифаси қўйилди.

Мева-сабзавот ва картошка захирасини шакллантириш, совиткичи омборлар қуриш ва озиқ-овқат жамғармаларини тўлдириш бўйича ҳам аниқ чоралар белгиланди. Йил якунигача 87 минг тонна қувватга эга 340 та совиткичи омборни ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари глобал иқтисодиётдаги ноаниқликлар қанча давом этишини ҳеч ким олдиндан айта олмастлигини қайд этди. Асосий ҳамкор давлатларда иқтисодий фаоллик секинлашаётгани маҳаллий корхоналаримизга, айниқса, экспортчиларга таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу сабабли барча раҳбарлар ҳар қандай хатарни ҳисобга олган ҳолда ўз захираларини сафарбар қилишга тайёр бўлиши шартли таъкидланди. Тармоқ ва ҳудудларга бириктирилган "ақл марказлари" билан бирга 15 августгача илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилади.

Ушбу таклифлар "ресурс – инфратузилма – лойиҳа – ишлаб чиқариш – бюджетга тушум – экспорт" занжирини ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантиришга қаратилган бўлади. 2027 йил учун макроиқтисодий параметрлар, бюджет, инвестиция ва экспорт дастурлари янгича ёндашув – "сафарбарлик сценарийси" асосида тайёрланади.

Йиғилишда вазирлар, тармоқ раҳбарлари ва ҳокимларнинг ҳисоботлари, белгиланган топшириқлар ижросини жойларда ташкил этиш бўйича режалари тингланди.

ЎЗА

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШДИ, ГЕОГРАФИЯСИ КЕНГАЙДИ



(Боши 1-саҳифада)

Бугунги кунда вилоятда 55 минг гектар бог ва тоқзорлар мавжуд. Жорий йилда умумий қиймати 500 миллион долларга тенг бўлган 611 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш мақсад қилинган. Бунинг учун имконият, шароитлар етарли. Масалан, кейинги ўй йилликда 8 минг гектардан ортиқ саноатлашган бог ва тоқзор яратилиб, 6 минг гектар кам ҳосили меваги боглар янгилангани бу борадаги имкониятларни кенгайтирмоқда.

Қува туманидаги 6,5 минг гектар меваги богларнинг 1,2 минг гектарини интенсив боглар ташкил қилади. Айни кунда тумандаги 38 та экспортёр корхона томонидан 11 та давлатга умумий қиймати 8 миллион доллар бўлган гилос ва ўрик экспорти амалга оширилди. "Жаннат боғи" фермер ҳўжалиги томонидан адирликлар ўзлаштирилиб, сув тежовчи технологиялар ёрдамида 70 гектар ерда интенсив гилос боғи барпо этилди. Озарбайжондан олиб келинган навлар серхосиллиги ва экспортбонлиги билан ажралиб туради.

– Меваларимизни кимёвий ўғитларсиз, органик усулда етиштиришга алоҳида эътибор қаратдик, – дейди боғбон Одилжон Мирзақасимов. – "Органик қишлоқ ҳўжалиги" маҳсулоти" деб сертификатланган маҳсулотлар бошқа анъанавийларига нисбатан қimmat баҳоланади ва сотилади. Шу боис, табиий экологик мувозанатни ва экотизимни сақлаш,



синтетик минерал ўғитлардан, пестицидлардан воз кечган ҳолда табиий минераллардан фойдаланиб маҳсулот етиштиришга ҳаракат қилимиз. Иزلанишларимиз бесамар кетмади. Бу йил илк бор АҚШ, Япония, Жанубий Кореядаги йирик савдо тармоқларига маҳсулотлар етказиб бердик.

Амалий лойиҳалар Олтиариқ туманида ҳам изчилик билан амалга оширилмоқда. Бу йил туманда 6500 тонна сигимли 7 та музлат-



гичли замонавий омборхона ташкил этилди. Бу мева-сабзавотларни сифатли сақлаш ва йил давомида экспорт қилиш имконини беради. Аввалги йиллари туманда атиги битта экспортга қўмаклашувчи марказ фаолият кўрсатиб келган бўлса, бугунга келиб, бундай марказлар сони 3 тага етказилди.

– Жорий мавсумда туманимиздаги барча экспортга қўмаклашувчи марказлар 24/7 режимида фаолият кўрсатмоқда, – дейди тадбиркор Абдувоҳид Ғофуров. – Бу ортиқча оворагарчилик ва расмийчиликларнинг олдини олмақда. Барча ҳўжажатлар "Бир дарча" тамойили асосида, шу ернинг ўзида расмийлаштирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили Фарғона вилоятида етиштирилган 235 минг тонна мева-сабзавот дунёнинг 60 та давлатига экспорт қилинган. Биргина гилос экспорти ҳажми 29,8 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Бу йил мазкур кўрсаткичлар салмоғи янада оширилади.

– Бу йўналишда "Даладан – экспортёргача" тамойили асосида иш олиб бораёғимиз, – дейди вилоят Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси бошлиғи ўринбосари Илҳомжон Турдиев. – Рухсат бериш ва сертификат ҳўжажатларини расмийлаштириш билан боғлиқ тизим тўлиқ электронлаштирилди. Ташқи иқтисодий фаолият юритувчи субъектлар билан тузиладиган шартномалар "онлайн-офферта" усулида расмийлаштирилади. Бу харидорга экин тури, агротехник тадбирлар, ҳосилни териб олиш, қадоқлаш ва юклаш билан боғлиқ барча жараёнларни бевосита кузатиб бориш имкониятини бермоқда.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармасига Қишлоқ ҳўжалигини ривожланти-

риш халқаро жамғармаси грант маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 164 минг доллар бўлган замонавий фитосанитария, ўсимликлар ва мевали дарахтлар касалликларини аниқлаш лаборатория усуналари олиб келинди. Янги жиҳозлар ўсимликларга зарар келтирувчи, оддий қурилмаларда аниқлаб бўлмайдиган вирус ва бактериологик касалликларни эрта аниқлашда қўл келяпти.

Мева-сабзавотчилик тармоқлари ривожланган 13 та ҳудудда "Экспортчилар уюшмаси" ташкил этилди. Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда хориз тилларини яхши ўзлаштирган салоҳиятли ёшлар экспортёрларга бириктириб берилди. Фаол экспортёр ва тадбиркорлардан иборат жамоатчилик кенгашири бевосита жойларда бўлиб, маҳсулот етиштириш, териш, қадоқлаш жараёнларини назорат қилиб бормоқда.

Шириндан-шакар мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, экспорт



ҳажми ва географиясини кенгайтиришга қаратилган янги лойиҳалар бу борадаги ишлар салмоғини янада оширмоқда. "Қува Агростар" замонавий корхонаси фаолияти бунга мисол бўла олади. Сўнги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган агрокомплексда 12 турда, 5 минг тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириш, қадоқлаш, қайта ишлаш имкониятлари яратилди. Global GAP, ISO 22000, Halal ва НАССР каби халқаро сертификатлар маҳсулот сифати ва миллий брендга ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

– Мажмуамиз тумандаги 33 та маҳаллада жойлашган 3000 та хонадон ва 1000 та деҳқон ҳўжалиги билан кооперация асосида фаолият юритади, – дейди "Қува Агростар" корхонаси лаборатория мудири Сардорбек Тоиров. – Айни жараёнларда аҳолига 10 сотих ердан ўртача 250 миллион сўм даромад қилиш амалиёти ўргатилмоқда. Жойларда қўчат етказиб бериш, экинлар ривожини назорат қилиб, назарий ва амалий ўқималар берувчи мобил лаборатория, хизмат ва ўқув марказлари ташкил этилди. Бу нафақат йирик богларда, балки аҳоли томорка ҳўжаликларида ҳам сархил ва экспортбоп маҳсулот етиштириш амалиётида муҳим аҳамият касб этади.

Агровольтаика усулида ташкил этилган



узумчилик боғида яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида ҳар қанча гапирсак-да, оз. Ҳудудда қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда икки босқилиқ сув тежовчи технологиялар ўрнатилган. Интенсив боғ, чорвачилик ва балиқчиликни қамраб олган 110 гектар комплекс аграр тармоқ ривожига хизмат қилапти. Қуёш панеллари нафақат электр билан таъминлайди, балки экин учун соя вазифасини ҳам ўтамоқда. Шу орқали ўсимликлар илдири атрофидида намлик сақланапти. Ушбу занжир халқаси ҳароратни метёёрда ушлаб туриш орқали қуёш панелининг барқарор ишлашини таъминлайди. Бу, ўз навбатида, сув тежамкорлигига хизмат қилади.

– Бундай самарали лойиҳалар босқичма-босқич кўпайтириб борилади, – дейди Агросаноатни ривожлантириш агентлиги Фарғона вилояти бўлими бошлиғи Равшанбек Рўзибоев. – Вилотимизда 55 минг гектар бог ва тоқзорлар бор. Шундан 5500 гектар бог ва тоқзор эскирган, 6000 гектар дашт ва адир ерлардан самарали фойдаланилмапти. Бугунги кунда мазкур ҳудудлар имкониятларини ўрганиб, истиқболли лойиҳаларни ишга туриш



борасида иш олиб борилади. Бу қўшимча 300 минг тонна мева-сабзавот етиштириш ва иқтисодиётга 2 триллион сўмлик қўшилган қиймат занжирини яратиш имкониятини беради.

Сирасини айтганда, фарғоналик боғбонлар маҳсулотлар ҳажми ва экспорт салмоғини оширишга қаратилган йирик лойиҳалар қўламини кундан-кунга кенгайтириб борапти. Ўтган йилнинг ўзида ташқи бозорларга 235 минг тоннадан ортиқ сархил мева-сабзавот экспорт қилинган.

Расулжон КАМОЛОВ.

Шерзод ҚОРАБОВ
олган сураптар.

(Боши 1-саҳифада)

Жорий йилнинг 24 май куни бошланган 65-халқаро Гуллар фестивали 50 кун давомида минглаб тadbирлар, кўргазмалар, концертлар ва сайиллар билан ҳақиқий байрам муҳитини яратди. Фестиваль давомида шаҳарнинг марказий кўчалари, боғлари ва истироҳат масканлари бетақор гул композициялари билан безатилиб, миллионлаб меҳмонларни ҳайратга солди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, фестивалда иштирок этиш учун Наманганга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 1 миллион 100 минг нафардан ошди. Бу рақам фестивал-



нинг нафақат мамлакатимиз, балки халқаро туристик майдонда ҳам катта қизиқиш уйғотаётганини аңглатади.

Фестиваль кунлари маҳаллий сайёҳлар сони 7 миллион 500 минг нафардан зиёд бўлди. Бу кўрсаткич юртдошларимизнинг ички туризмга қизиқиши тобора ортиб бораётганини ҳамда Наманганнинг жозибador туристик манзилга айланганини кўрсатади. Шундай қилиб, фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларининг умумий сони 8 миллион 600 минг нафардан ортиқни ташкил этди. Бу эса Марказий Осиёдаги энг йирик оммавий маданий тadbирлардан бири сифатида фестивалнинг нуфузини янада оширди.

Мазкур улкан байрам давомида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида маданий-маърифий тadbирлар, миллий хунармандчилик кўргазмалари, театрлаштирилган томошалар, халқ сайиллари, ёшлар фестиваллари ва турли ижодий лойиҳалар ташкил этилди. Улар маҳаллий аҳоли билан бир қаторда хорижий меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Туризм соҳасида фаолият юритаётган меҳмонхоналар, оилавий меҳмон уйлари, ресторанлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари минглаб меҳмонларга юқори савияда хизмат кўрсатди. Бу эса ҳудуд иқтисодиётига қўшимча даромадлар кириб келишига замин яратди.

Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросими Давлатобод туманидаги “Янги Ўзбекистон боғи” амфитеатрида юқори савияда ташкил этилди. Байрамона безатилган сахнада минглаб иштирокчилар ва меҳмонлар йиғилди. Маросимда вилоятимиз ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов иштирок этиб, ўз табрик



ГУЛЛАР ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

сўзида фестивалнинг мамлакатимиз нуфузини юксалтириш, туризмни ривожлантириш ва халқлар ўртасидаги дўстлиكنи мустаҳкамлашдаги аҳамиятига алоҳида тўхталди.

Тadbирнинг энг ҳаяжонли лаҳзалари голибларни тақдирлаш маросими бўлди. Турли номинациялар бўйича энг яхши деб топилган маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда гулчилик соҳаси вакиллари муносиб эътироф этилди. Голибларга пул мукофотлари ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, фестивалнинг



бош соврини – 4 та “Onix” автомобили соҳибларига тантанали равишда тақдим этилди. Бу мукофотлар иштирокчиларнинг меҳнати ва ижодкорлигига берилган юксак баҳо бўлди.

Тантанали тadbирда яна бир муҳим йўналиш – қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашлари ҳам эътибордан четда қолмади. Вилоятнинг улкан ғалла хирмонини яратишга муносиб ҳисса қўшган илгор фермерлар “Фахрий ёрлик” ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. Бу эса инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир соҳада фидойилик кўрсатаётган юртдошларимиз меҳнатига муносиб баҳо бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини яна бир бор намоён қилди.

Фестивалнинг бадий қисмида вилоят санъат усталари ҳамда республикамиздаги таниқли хонандалар иштирокидаги ёрқин чикишлар томошабинларга унутилмас кайфият улашди. Миллий ва замонавий санъат уйғунлиги байрамнинг янада мазмунли

ўтишига хизмат қилди. Кеча якунида осмонни ёритган мафтункор мушакбозлик байрамга ўзига хос кўрк бағишлади. Минглаб инсонлар ушбу гўзал манзараларни олқишлар билан қарши олди.

65-халқаро Гуллар фестивалининг асосий факт ва рақамлари ҳам унинг нақадар улкан лойиҳага айланганини тасдиқлайди. Шубҳасиз, 65-халқаро Гуллар фестивали Наманганнинг гўзаллик, меҳмондўстлик ва яратувчанлик салоҳиятини бутун дунёга намоён этган йирик маданий воқелик сифатида тарихдан муносиб ўрин эгаллади. У нафақат байрам, балки туризм, иқтисодиёт, маданият ва инсонлар қалбини яқинлаштирувчи улкан майдонга айлангани билан ҳам аҳамиятлидир.

65-халқаро Гуллар фестивали нафақат маданий тadbир, балки Наманган вилоятининг иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини намоён этувчи муҳим воқеа сифатида тарихга муҳрланди. Фестиваль кунлари вилоятга ташриф буюрган меҳмонлар замонавий инфра-тузилма, обод маҳаллалар, янги истироҳат масканлари ва хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Фестиваль доирасида туризм, миллий хунармандчилик, гулчилик, хизмат кўрсатиш ва тadbиркорлик соҳаларида фаолият юритаётган



юзлаб субъектлар ўз маҳсулот ва хизматларини кенг тарғиб қилди. Бу эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун янги ҳамкорлар топиш, савдо алоқаларини кенгайтириш ва иқтисодий фаоллиكنи оширишга хизмат қилди. Энг муҳими, 65-халқаро Гуллар фестивали

турли миллат вакиллари, меҳмонлар ва маҳаллий аҳолини эзгулик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик гоёси атрофида бирлаштирди. Миллионлаб инсонлар қалбида унутилмас таассурот қолдирган ушбу байрам Наманганнинг халқаро нуфузини янада юксалтириб, келгуси йилларда ҳам дунё сайёҳларини ўзига жалб этадиган йирик туристик бренд сифатида ривожланишда давом этади.



Гиннесс Ворлд Рекордс ташкилотининг расмий вакили Шейда Субаси томонидан Наманган вилояти “Бир ой давомида жамоа томонидан энг кўп гул экиш” номинацияси бўйича жаҳон рекорди соҳиби сифатида эътироф этилди. Гиннесснинг минимал талаби 1 миллион дона гул бўлган бўлса, наманганликлар бир ой давомида 29 миллион 406 минг 384 дона гул экиб, ушбу кўрсаткични бир неча ўн баробарга ортда қолдирди. Бу натижа вилоят аҳолисининг меҳнатсеварлиги, ҳамжиҳатлиги ва бунёдкорлик салоҳиятининг халқаро даражадаги юксак эътирофи бўлди.

Мазкур жаҳон рекорди нафақат Наманган, балки бутун Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янада юксалтирди. Энг муҳими, ушбу муваффақият маҳаллаларда бошланган ободонлаштириш ҳаракати, халқнинг фаол иштироки ва бир мақсад йўлидаги бирдамлиги қандай улкан натижаларга олиб келишини амалда намоён этди.

Бундай йирик тadbирларнинг аҳамияти фақатгина байрам муҳити билан чекланмайди. Улар ҳудуд иқтисодиётини фаоллаштириш, янги инвестицияларни жалб этиш, халқаро алоқаларни кенгайтириш ва маҳаллий аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Фестиваль, шунингдек, миллатлар ва маданиятлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлиكنи мустаҳкамлашга ҳам муносиб ҳисса қўшди. Турли мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар Наманганнинг замонавий қиёфаси, миллий анъаналари ва инсонпарварлик фазилатлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Халқаро Гуллар фестивали келгуси йилларда ҳам нафақат юртимиз, балки бутун дунё жамоатчилиги интиқлик билан кутадиган, Наманганнинг энг ёрқин ва нуфузли бренди сифатида ўз тараққиётини давом эттириши шубҳасиз.

Ботиржон НУРИТДИНОВ,
Наманган вилояти ҳокими ўринбосари.



“Barakali bog” kredit moduli:

meva yetishtirish loyihalarini qoʻllab-quvvatlash imkoniyati



Qishloq xoʻjaligi sohasida faoliyat yuritayotgan tadbirkorlar uchun mevali bogʻlar barpo etish va ishlab chiqarish hajmini oshirishga qaratilgan yangi imkoniyat – “Barakali bog” kredit moduli joriy etildi. Mazkur kredit moduli doirasida meva-sabzavotchilik yoʻnalishida loyihalarni amalga oshirish, zamonaviy bogʻlar tashkil etish hamda ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish uchun moliyaviy koʻmak beriladi.



Kredit shartlari:
Kredit miqdori – 3 mln. AQSH dollari ekvivalentigacha (loyihaning biznes-rejasi va texnik-iqtisodiy asoslaridan kelib chiqib);
Foiz stavkasi – yillik 14 foiz;
Kredit muddati – 120 oygacha;
Imtiyozli davr – foiz va asosiy qarzni toʻlash boʻyicha 36 oygacha;
Qarz oluvchining oʻz mablagʻlari ulushi – kamida 30 foiz;
Mijoz loyihada oʻziga tegishli boʻlgan toʻliq yer maydoni bilan ishtirok etadi.

“Barakali bog” kredit moduli doirasida mevachilik loyihalarini moliyalashtirish Qashqadaryo viloyatining Kitob, Shahrisabz, Yakkabogʻ, Chiroqchi va Qamashi tumanlari, Fargʻona viloyatining Quva, Oʻzbekiston, Fargʻona, Beshariq, Rishton tumanlari hamda Quvasoy shahri, Toshkent viloyatining Parkent, Qibray va Yuqori Chirchiq tumanlari, Andijon viloyatining Asaka va Paxtaobod tumanlari, Namangan viloyatining Toʻraqoʻrgʻon tumani, Buxoro viloyatining barcha tumanlari, shuningdek, bankka birlashtirilgan 24 ta hududda amalga oshirilayotgan loyihalar uchun yoʻnaltiriladi.

Mazkur kredit moduli orqali tadbirkorlar mevali bogʻlar tashkil etish, eksportbop mahsulot yetishtirish va qishloq xoʻjaligida yangi loyihalarni amalga oshirish imkoniyatiga ega boʻladi.

Batafsil maʼlumot olish uchun Mikroreditbankning hududiy bank xizmatlari markaziga murojaat qilishingiz mumkin.

Mikroreditbank Axborot xizmati



“Долзарб 30 кун” ПРОФИЛАКТИКА ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Марказий омборида шу йилнинг июль ойида “Долзарб 30 кун” профилактика ойлиги ўтказилмоқда.

Профилактика ойлиги доирасида хавфли ишлаб чиқариш объектларида хавфсизлик талабларига риоя этилиши устидан назорат кучайтирилди. Фуқаро муҳофазаси тузилмалари ва махсус техникаларнинг фавқулодда вазиятларга тайёргарлиги ўрганилиб, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чоралари қўрилмоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бош бошқармаси ҳамда мутасадди бўлинмалар билан ҳамкорликда назорат рейдларини ўтказиш

режалаштирилган. Профилактика ойлигининг асосий мақсади, ишлаб чиқариш объектларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, ходимлар ҳаёти ва соғлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда хавфсизлик маданиятини янада юксалтиришдир. Хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш ҳар бир ходимнинг масъулияти ва бурчидир.

Э. ФАТХУДДИНОВ,
ИИБ Марказий омбори ФВБ кичик инспектори, катта сержант.



BOSHQARUV SAMARADORLIGI QAYSI IJNATLARGA BOGʻLIQ?

(Boshi 1-sahifada)

Jumladan, sunʼiy intellekt, kiberxavfsizlik, maʼlumotlar tahlili (Data Analytics), raqamli transformatsiya, “yashil” energetika, urbanistika, geoaxborot tizimlari (GIS), agrotekhnologiyalar va suv resurslarini raqamli boshqarish kabi yoʻnalishlarda yuqori malakali kadrlarga talab keskin oʻrtishi kutilmoqda. Mazkur tahlillar asosida kelgusi yillar uchun kadrlar tayyorlash, kadrlar zaxirasini shakllantirish hamda taʼlim dasturlarini ushbu ehtiyojlarga moslashtirish boʻyicha amaliy ishlar boshlab yuborildi.

Oʻtgan davrda 5 ming 316 nafar davlat xizmatchisi turli oʻquv dasturlarida ishtirok etdi. Yangi Oʻzbekiston universiteti, Singapur Biznes boshqaruv maktabi ekspertlari ishtirokida tajriba almashish seminarlari oʻtkazildi. Davlat siyosati va boshqaruvi akademiyasiga qabul jarayonida 1 ming 860 nafar nomzod ishtirok etdi va 1 ming 334 nafari keyingi bosqichga saralab berildi.

Xalqaro hamkorlikda 7 ta seminar tashkil qilindi va ularda 600 nafardan ortiq davlat xizmatchilari qatnashdi. Shuningdek, 50 nafar “Yosh talantlar”ni FAO tizimida xalqaro stajirovkaga yuborish choralari koʻrilmoqda. Xalqaro hamkorlik ham yangi bosqichga chiqmoqda.

Osiyo taraqqiyot banki, Jahon banki, KOICA, JICA kabi xalqaro tashkilotlar bilan qator loyihalar amalga oshirilmoqda. Yaponiyada 30 nafargacha davlat xizmatchilari, Buyuk Britaniyada

esa 20 nafargacha rahbar kadrlarning malakasini oshirish boʻyicha choralar amalga oshirildi. “Digital Office” platformasida yangi “Hokim–Vazir” muloqot maydoni ishga tushirildi. “hrm.gov.uz” va “samaradorlik.gov.uz” raqamli tizimlari muhim axborot infratuzilmasi obyektlari sifatida davlat reyestriga kiritildi. “Elektron hukumat” orqali 49 ta yangi servis agentlikning axborot tizimlariga integratsiya qilindi.

“MyDX” mobil ilovasidan bugungi kunda 30 ming nafar davlat xizmatchisi undan faol foydalanmoqda. Istiqbolli kadrlarni rivojlantirish ishlari ham davom etmoqda.

Oʻtgan davr namoyinda xorijiy maqsadga yoʻnaltirilgan natijali stajirovkalar dasturi yoʻlga qoʻyildi. Endilikda stajirovkaga yuborilgan davlat xizmatchisi oʻrganagan bilimi va tajribasidan kelib chiqib loyiha tayyorlashi majburiyat sifatida belgilandi.

Galdagi stajirovka dasturlariga 300 nafar ishtirokchi bilan suhbatlar oʻtkazilib, ulardan 107 nafari saralab olindi. Ular Singapur, Germaniya, Buyuk Britaniya, Yaponiya, Koreya, Finlyandiya, Malayziya, Turkiya, Xitoy, Ozarbayjon va boshqa davlatlarda malaka oshiradilar.

KOICA dasturiga 169 nafardan 15 nafar, JICA dasturiga 200 nafardan 18 ta magistratura va 1 ta doktorantura, “El-yurt umidi” jamgʻarmasi orqali esa 232 ta magistratura va 38 ta doktorantura dasturlari boʻyicha nomzodlar saralab olindi.

Oʻz muxbirimiz

ЎЗБЕК ОЛИМАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ЮТУҒИ ДУНЁ ЭЪТИБОРИДА

КРЕМНИЙ – ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА ҚАРШИ КУРАШДА МУҲИМ ОМИЛ

(Боши 1-саҳифада)

Тошкент давлат аграр университе-ти олимаси Муниса Саидова ва устози Лазиза Гафурова ҳамда унинг илмий жамоаси томонидан олиб борилган тадқиқотлар ана шундай долзарб муаммоларга илмий ечим тақлиф этгани билан халқаро эътиборни қозонди. Уларнинг “Silicon-based adaptive approaches to enhance cotton (Gossypium hirsutum L.) resilience under salinity stress” номли илмий мақоласи пахтачилик йўналишидаги дунёнинг нуфузли Journal of Cotton Research халқаро илмий журналида чоп этилди.



Мазкур тадқиқотда гўзанинг шўр-ланиш ва бошқа абиотик стресс омил-ларига чидамлилигини оширишда кремний (silicon) асосидаги препарат-ларнинг ўрни илмий тажрибалар асо-сида чуқур таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, крем-ний асосидаги инновацион препарат-лар гўза уруғларининг унувчанлигини яхшилади, ўсимлиكنинг физиоло-гик ва биокимёвий жараёнларини фаоллаштиради, ҳосилдорлик ҳамда тола сифатини сезиларли даражада



оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб пахта етиштирувчи мамлакатлари-да иқлим ўзгариши туфайли юқори ҳарорат ва сув танқислиги асосий



муаммолардан бири ҳисобланади. Шу боис бундай илмий ишланмалар нафақат Ўзбекистон, балки халқаро пахтачилик учун ҳам катта амалий аҳа-мият касб этади. Кремний асосидаги адаптив технологиялар ўсимликлар-нинг стрессга бардошлилигини оши-риш орқали барқарор ҳосил етишти-риш имкониятларини кенгайтиради.

Мазкур илмий мақоланинг халқа-ро миқёсдаги нуфузли журналда эълон қилиниши Ўзбекистон аграр илм-фанининг салоҳияти тобора

Эълон

Касимова Мухлиса Фазлпигдиновна номига Ўзбекистон мусулмонлар идораси тарихидаги Хадичаи Кубро номли Ислоп ўрта махсус билим юрти томонидан 2005 йилда берилган В № 0001272 рақамли Диплом йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	04-01/23728 рақами билан 2015 йил 1 июлда Шарафуддинова Рахилия Абдурахимовна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.	07-02/3757 рақами билан 1993 йил 1 мартда Тажидбаева Хабибахон номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
---	--	---

Оромгоҳларнинг барчасида замонавий спорт майдончалари, чўмилиш масканлари, ошхона, ётоқхона, ўйингоҳ, ёзги амфитеатр мавжуд



Ёзги таътил қандай ўтмоқда?



Ёз – болажонлар орзиқиб кутадиған фасл. Бoиси, бу фасл уларнинг тўлақoнли дам олиши, она-табиатдан завқланиши, вақтини мазмунли ўтказиши учун қулай ва бу давр уларда унутилмас таассуротларни қолдиради.



Уч ойлик таътилнинг ярмидан кўпи ўтди. Бу вақт давомида болаларнинг оромгоҳларда дам олиб, хордиқ чиқариши учун Наманган вилоятида қандай ишлар амалга оширилипти?

Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Наманган вилояти бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам оладиган болалар қаровини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига асосан, доимий равишда таълимдан ташқари болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишлари тизимли равишда ташкил этиб келинмоқда.

Бугунги кунда вилоятда 9 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўлиб, жумладан, Поп туманида “Офтобча” ҳамда “Бинафша”, Чуст туманида “Меҳржон” ва “Об-ҳаёт”, Янгикўрғон туманида “Нанай” ва “Заркент”, Косонсой туманида “Соҳил”, Уйчи туманида “Умид ниҳоллари”, Норин туманида эса “Норин” болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг бағри болалар билан тўлган. Мавсум давомида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 6520 нафар боланинг дам олиши режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар эса 4975 нафар бола оромгоҳларда мазмунли дам олиб, соғломлаштириш тадбирларида иштирок этди.

Таъкидлаш ўринлики, жорий йилги мавсумга оромгоҳларни тайёрлаш ва жорий таъмирлаш ишларини ташкил этиш мақсадида департамент

томонидан 7 та оромгоҳда 1 млрд. 114 млн. сўмлик қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 9 та оромгоҳда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 15 мингдан ортиқ мавсумий гул кўчатлари, 5 мингдан ортиқ мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Бу жараёнда болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича вилоят, туман ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш агентлиги томонидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Вилоятимиздаги “Бинафша” оромгоҳига бириктирилган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Элдор Адилов ташаббуси билан оромгоҳнинг ота-оналар кутиш маскани, ҳаммом ва ҳожатхона қайта таъмирланди, ётоқхонага замонавий эшик ва ромлар ўрнатилди.

Шунингдек, Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўланишга қарши курашиш агентлиги директори Эркин Мухиддинов томонидан эса “Нанай” оромгоҳининг 5 та ётоқхона биноси ташқи фасади ва панжара қисмлари таъмирланиб, оромгоҳ ҳудудига минг туздан зиёд мавсумий гул кўчатлари экилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Наманган вилоятида оромгоҳлар жорий йилининг 5 июнидан бошлаб ўз фаолиятини бошлади. 4 мавсум давомида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини мувофиқлаштиришчи ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти Кенгаши раиси томонидан штаб тузилди. Қўнғилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва мавсумни талофатсиз яқунлаш мақсадида кундузги ва тунги навбатчиликлар жорий этилди.

Оромгоҳларда 9 та бош тарбиячи, 48 нафар етакчи, 65 нафар тарбиячи, 9 нафар сузиш йўриқчиси,

9 нафар спорт мураббийи, 4 нафар тўғарақ ва 9 нафар музика раҳбари лавозимларида тажрибали мутахассислар иш олиб боришяпти. Улар мавсум олдида 12 кунлик намунавий дастур бўйича ўқитилди.

Қолаверса, оромгоҳлар раҳбарлари ва бош тарбиячилари иштирокида мавсумни хавфсиз ва беталофат ўтказиш мақсадида ўқув-семинари ҳам ташкил этилди. Яқинда эса вилоят ҳокимлиги ҳамда Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Наманган вилояти бошқармаси ҳамкорлигида “Ёзги таътил қандай ўтмоқда?” мавзусида пресс-тур ташкилланди.



уюшмалари федерацияси қўшма қарорига асосан, вилоятдаги камбағал оилаларнинг 3750 нафар аълочи фарзандларининг давлат маблағлари ҳисобидан оромгоҳларда дам олишлари мувофиқлаштириб, ташкил



Косонсой туманида жойлашган “Соҳил” болалар оромгоҳида бўлган ОАВ вакиллари ёзги дам олиш мавсумини юқори савияда ташкил этилиши, болаларнинг мазмунли хордиқ чиқариши, соғломлаштириш ишлари ва яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Пресс-тур давомида оромгоҳда болалар учун ташкил этилган маданий-маърифий, спорт ва ижодий тўғарақлар фаолияти намойиш этилди. Шунингдек, болаларнинг кунлик дам олиш режаси, овқатланиш сифати, санитария-гигиена талабларига риоя қилиниши, тиббий хизматнинг йўлга қўйилгани ҳамда хавфсизлик чоралари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Пресс-тур иштирокчилари оромгоҳ ошхонаси, ётоқхоналар, спорт майдончалари, сузиш ҳавзаси, кутубхона, тўғарақ оналари ва титибёт пункти фаолияти билан ҳам танишиб, болалар учун яратилган шароитларга ижобий баҳо бердилар. Айниқса, ёшларнинг китобхонликка, спортга, санъат ва замонавий ахборот технологияларига қизиқишини оширишга қаратилган машғулотлар уларда катта таассурот қолдирди.

Маълумки, жорий йил ёз мавсумидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Мактабга ва мактаб таълими вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Қасаба

этилди. Бугунгача, яъни иккинчи ва учинчи мавсум давомида 2493 нафар ўғил-қиз оромгоҳларда хордиқ чиқарган бўлиб, тўртинчи мавсумда яна 1257 нафар ижтимоий реестрга киририлган камбағал оилаларнинг аълочи фарзандлари оромгоҳларга жалб этилади.

Бундан ташқари, вилоят Қасаба уюшмаси тармоқлари ходимларининг 2642 нафар фарзандлари ҳам оромгоҳларда ёзги таътилни мароқли ўтказишмоқда.

Оромгоҳлар фаолиятини тўлақонли ёритиб бориш ва йўланмаларни харид қилиш учун “Оромгоҳлар.уз” платформаси мавжуд ва бу орқали эркин савдо йўли билан 128 нафар жисмоний шахслар фарзандлари учун йўланмаларни харид қилдилар.

Оромгоҳлардаги ҳар бир кун ўзгача мазмунли, таассуротларга бой тарзда ўтмоқда. Айниқса, “Салом, оромгоҳ!”, “Болалар фестивали”,

“Ҳарбий ватанпарварлик кун”, “Миллий қадриятлар кун”, “Заковат”, “Ижод ва истеъдод кун”, “Она табиатни асраш кун”, “Моҳир қўллар кун”, “Спорт ва саломатлик кун”, “Миллатлар дўстлиги кун”, “Туризм ва ўлкашунослик кун”, “Сарҳисоб кун”, “Хайр, оромгоҳ!” деб номланган тадбир ва кунларнинг ҳар бири юксак савияда ўтмоқда.

Оромгоҳларда “10 кун – 10 клуб – 10 имконият!” шиори остида клуб ва тўғарақлар ташкил этилган. Масалан, “Қум” тўғарақига 800 нафар бола аъзо бўлган. Улар қумдан турли хил тарихий биноларни ясашади. “Лего, кубик-рубик” тўғарақларида 511 нафар бола ақлий салоҳиятини ошириб боришяпти. “Караоке” клубида эса яна юзлаб болалар тароналарни жонли қўйлаб, ўз истеъдодларини намоян этиб келишмоқда. “Робототехника” клуби тўғарақларида ҳозирга қадар 467 нафардан ортиқ бола билим олди. “Бисер тикиш, тўқиш ва зардўзлик” ва “Қўлчилик” клубларида 700 дан зиёд болажонлар қўлчилик ва зардўзлик санъати бўйича малакали мутахассислардан ҳунар ўрганишяпти.

Жумладан, “Китобхонлик”, “Медиа клуб”, “Хорижий тиллар”, “Қўнғирчоқ театри” каби клублар ҳам болалар истеъдоди ривожига хизмат қилмоқда. Табиийки, спорт тўғарақларида 1500 дан зиёд болалар футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка билан шуғулланишяпти. “Ўзбек кино” миллий агентлиги томонидан тақдим этилган видеофильмлар болаларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтишига хизмат қилмоқда.

Оромгоҳларнинг барчасида замонавий спорт майдончалари, чўмилиш масканлари, ошхона, ётоқхона, ўйингоҳ, ёзги амфитеатр мавжуд. Болалар ҳар кун беш маҳал иссиқ ва фойдали таомларни тановул қилишади.

Сирасини айтганда, ёз кунларини тенгдошлари ва янги дўстлари даврасида ўтказаятган болажонларнинг қувончи ҳам чексиз. Бу уларнинг янги ўқув йилини ҳар жиҳатдан кучга тўлиб, завқ билан бошлашларига катта имконият яратаятганини кўрсатади.

Илҳомжон ИКРОМОВ,

Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментини Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи.



СИНОВ

Теримчиларнинг ғала-говурига тўлган шийпон бирпасда бўшаб қолди. Пахтани техника ёрдамида юклаб, жўнатгунча вақт алламаҳал бўлди. Фермер хўжалиги ҳисобчиси Асрор бугунги ишини яқунлаб, дафтарини ёпдида чукчур “уф” тортиди. Дала иши осон эмас, жуда толиқди. Велосипедига миниб уйига етиб олса бас, хотини ўраб қўйган иссиққина таомни ейди-ю, мазза қилиб ухлайди.

Тун қоронғусида борар экан, телефони жиринглаб, Мирхонд деган ёзув пайдо бўлди. Саломлашишди.

– Бошлиқ, хойнаҳой далада бўлсанг керак-а?
– Йўлдаман.
– Менга қара, “Мажнунтол”да ўтирибмиз, унча узокмас, кел, бир хордиқ чиқарамиз.
– Бу гал узр, жааа чарчаганман.
– Келавермайсанми? Шашлик қўйдирганман, пулинг бўлмаса тўлаймиз.
Анчадан буюн кўришмаган синфдошлари билан бўладиган суҳбат ҳуморими, ёинки текин шашлик, ҳарқалай рози бўлди.

– Ҳўп.
Уч синфдош бир хонани эғаллаб кутиб туришган экан. Саломлашишгаётган пайт ўзини сал ортга олди, кийимлари чанг. Олий маълумот олиб, яқин орада омадлари чопган оғайнилари пўрим кийинган. Эғнидаги шалвираб турган эски курткаси, ранги ўчиб, титилиб кетган жинси шимдан бироз ўнғайсиланди. Неча кундан буюн устара тегмаган соқоли офтобда қорайган юзини янада бўрттириб кўрсатади. Улар тамоман бошқа дунё одамлари, қандай пул топгани-ю, қандай совурганини эшитиб ўтирган Асрор хайрон. Шуунча пул-а?

Бир пиёла чой ичилгунча кабоқлар ҳам тайёр бўлди. Сихни қўлига олиши билан иштаҳаси бўғилди, бир ҳафтадан буюн қозони гўштсиз қайнайди. Шунин билан билан еса бўларди. Ўтирганлардан бири ароқ олиб кириб ҳаммага қуя бошлади. Асрор пиёласининг устини кафти билан ёпиб деди:

– Мен ичмайман.
– Қатордан чиқма энди, шусиз хордиқ бўларканми?
– Қўтаролмайман, биласан-ку.
– Бир култур тешиб чиқмас.
Културлар кўпайиб, иккинчи шиша ҳам бўшади.
– Зўр ўтирдик, кабоқбониям бошлашибди.
Шу пайт дафтар тутган бир йигитча кириб келди.

– Ака, мана ҳисоб, ҳаммага бўлайми?
– Мирхонд тўлайди.
– Менда пул йўқ, Асрор, тўлаб тур, ошна!
Ялт этиб синфдошига қаради. Улар билан улфатчилиги йўқ, бугун маош олган. Бера, ярим ойлик чиқимлари нима бўлади? Оғайнилари бу пулни бир кунда топишади.

– Ҳа, ўйланиб қолдинг? Бермасанг берма, озиб-ёзиб билинир ўтирибмиз. Мирхонд, ёзди дафтарга.

Бирдан у ўзини камситилгандек сезд, мастлик, иккиланмай ҳамма учун тўлов қилди. Ташқарига чиққач, боши айланиб тўхтади.

– Асрор, уйингга етолсанми?
– Ҳа.
– Нима деялсан? Қўзини юмиб топади. Балки машинада ташлаб ўтарсан-а?
– Ичганман, кетолмаса, такси чақирсин, – деди Мирхонд машинасига ўтира туриб. Негадир у мастликда ҳеч ўзини йўқотмас, уловини ҳам бемалол ҳайдарди.

Асрор гоҳо ўтиб қоладиган машиналар ёруғида тахминан кетиб борар экан, тинимсиз уйку босади. Тезроқ уйга етса-ю, ёстиқни қучоқлаб ором олса. Бирдан велосипед нимагадир тегиб ағдарилди. Асрор ўтирганча тиззасидаги оғриқ ўтиб кетишини кутиб силар экан, ёнобшолди. Бироз ўтиб, муздек ер қизиб турган танасига ҳузур бахш этиб қўзларини юмди.

– Ҳой, қимсан? Тирикмисан, тур ўрнингдан!
Аранг қўзларини очди, ғира-шира, чамаси намозга кетаётган бир мўйсафид уйи уйғотибди.

Нахотки, туни бўйи шу ерда қолган бўлса? Тиззаси, тирсагида оғриқ, оёғининг ерга тегиб турган томони совуқ тортиб қотиб қолган, шу боис, оқсоқлашиб йўлга тушди.

– Эҳ, бечора, шайтон суви сени хароб қилибди-ку.

Атрофга разм солди. Тунда маҳалласидан икки қўча нари ўтиб кетган, велосипедини кимдир ўғирлаб кетганди. Уйига етиб келганда, хавотир олиб, туни бедор ўтказган хотинининг қўзлари қизариб турарди. Одина эрини савол-жавоб қилиш асосида саннай-саннай кийимларини алмаштирди:

– Ароқ чиқарганининг уйи қуйсин, илоҳим. Болалари ҳам пиёниста бўлмаса, асло рози эмасман. Қай гўрда ича қолдингиз зормандани? Нима бало, тунда пахса урганмисиз? Кийимингиз лой, чанг.

Сўровига жавоб берадиган ҳолати йўқ, кириб ётди.

Қанча вақт ухлаганини билмайди, хотини туртиб уйғотди.

– Телефонга қаранг, ўттиз марта жирингладиёв, – деди зардали оҳангда.

– Алло, – деди у таниш номга қўзи тушиб.

– Асрор! Ўлиб қолмадингми мабодо, очик мазорда бўлсанг ҳам тез етиб кел!

Фермернинг жаҳли чиқади-да, шу пайтгача ҳам ишга келмаган.

Кимё РАСУЛОВА

Qishloq hayoti

MUASSISLAR:

O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi kompleksi
tarkibidagi hamda
boshqa daxldor
vazirlik va idoralar.

Bosh muharrir:
Chori LATIPOV

Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV,
Shavkat HAMROYEV, Narzullo OBLUMURODOV,
Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV,
Raimqul SUYAROV (bosh muharrir o'rinbosari).

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan
2009-yil 13-fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.

Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi,
qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.

Buyurtma G-717. 1450 nusxada chop etildi.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dizayner: Mapkc YUSUPOV.

Tahririyat manzili:

Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy.
Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.

Reklama va e'lonlar: (998 90) 317-19-16.

E-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru. Bahosi kelishilgan narxda.

Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Bosmaxona manzili: "Buyuk Turo" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7023



Bosishga topshirish vaqti: 21.00
Bosishga topshirildi: 19.30